



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2001 йил 22 сентябрь, шанба

• №75 (11.360) •

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИГА «МИЛЛИЙ ТЕАТР» МАҚОМИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда профессионал театр санъатини янада ривожлантириш, Ватанимизнинг бой тарихи, аجدодларимизнинг ўлмас меросини, мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларимизни, бугунги замонавий қаҳрамонлар сиймосини акс эттирувчи бадиий баркамол асарлар яратишни рағбатлантириш, халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, ёш авлод қалби ва онига эзгулик ғояларини сингдиришда театр санъатининг ролини янада кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, атоқли санъат намояндалари ва кенг жамоатчиликнинг таклифларини инобатга олиб, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига «Миллий театр» мақоми берилсин ва у «Ўзбек Миллий академик драма театри» деб аталсин.

2. Куйидагилар Ўзбек Миллий академик драма театрининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

- буюк маънавий меросимиз, бетак-

рор қадриятларимиз, ўзбек миллий театри анъаналарини изчил давом эттириш, уларни янги давр талаблари асосида бойитиб бориш ва ривожлантириш, бу соҳадаги илғор услубларни миллий руҳ билан уйғунлаштирган ҳолда театр санъатига татбиқ этиш;

- миллий истиқлол ғояларига ҳамоханг, бадиий жиҳатдан юксак, халқчил саҳна асарлари яратиш асосида ўзбек миллий театр санъати тараққиётига ҳисса қўиши;

(Давоми 2-бетда).

III у
сонга

80 фоиз машинада

Охунбобоев номли ширкат хўжалиги пахта тайёрлаш режасини ўртачирчиқ туманида биринчи бўлиб бажарди.

965 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил олиниб, давлатга 2660 тонна хом ашё сотилди.

Ҳосилнинг 80 фоиздан кўпроғи хўжаликнинг ўзидаги 10та терим машинаси ёрдамида йиғиштириб олинди.

Хўжалик пудратчилари умумий ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш мақсадида теримни қизғин давом эттирмоқдалар.

Вилоятда пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 2001 йил 21 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён(фоиз ҳисобида))

Чиноз	4,28	63,13
Ўртачирчиқ	5,10	57,43
Янгийўл	4,06	57,11
Бўка	4,63	55,83
Юқоричирчиқ	5,07	52,82
Пскент	4,20	50,75
Оққўрғон	4,33	46,83
Бекобод	4,05	42,69
Қуйичирчиқ	4,02	40,32
Вилоят бўйича	4,40	50,71

НАҚДИ 40 ЦЕНТНЕР

ОИЛАВИЙ пудрат усули деҳқонларга маъқул тушиб, дадил ҳаракат қилишга ундамоқда.

БўКА туманидаги Барот Умаров номли ширкат хўжалигида 25 гектар ер олиб, оилавий пудрат гуруҳини тузган Деҳқонбой Жуманазаровнинг дадил саъй-ҳаракатлари муваффақият келтирди. Пахта тайёрлаш режасини биринчилар қатори бажарган Деҳқонбой ҳозирнинг ўзидаёқ ҳосилдорликни 37 центнерга етказди.

— Бу бизнинг сўнгги марраимиз эмас, — дейди Д. Жуманазаров. — Терим мавсумини бошлаш арафасида далалимиздаги ҳосил чўғини чамалаб кўриб, 42 центнерлик маррани кўзлаган эдик. Бу мақсадимизга, албатта, эришамиз. Чунки, даламизда ҳали ҳосил мўл.

С. САРИМСОҚОВ.

Пахта — 2001

ҲАММАСИ ЮҚОРИ НАВГА

Чиноз туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалиги деҳқонлари давлат пахта сотиш режасини қисқа муддатда биринчилар қатори бажардилар.

Шуниси диққатга сазоворки, жами пахта майдонининг учдан икки қисмида ўтказилган биринчи теримдаёқ режани ортиғи билан қоплайдиган даражада сифатли ҳосил йиғиштириб олинди ва унинг ҳаммаси юқори навга сотилди. Ўртача ҳосилдорлик ҳозирнинг ўзидаёқ 27 центнердан ошди.

Самин Мавлонов, Исмаи Хасанов, Оқназар Қўзиёев бошлиқ бригадаларда бугунгача гектаридан 32 центнердан ошириб сифатли хом ашё йиғиштириб олинди. Энди улар 38-40 центнерлик маррани кўзлаб, теримни қизғин давом эттирмоқдалар.

Орзикул МАЪМУРОВ.

САФАРБАР КУНЛАР

• Вилоятда пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги маълумотга назар ташласак, терим суръати ўтган йилги мавсумнинг шу давларига нисбатан икки баравар тез бораётгани, қарийб беш баравар кўп пахта тайёрланганлигини кўрамыз. Аммо, бу хотиржамликка асос бўлмаслиги керак. Чунки, ҳадемай об-ҳаво кескин ўзгариб, ёғин-сочин бўлиши хавфи бор. Демак, ҳар бир кун ғанимат. Қўл кучи ва мавжуд машиналарни теримга тўла сафарбар этиш, кунлик суръатни янада жадаллаштириш чораларини кўрмоқ зарур.

• Ўтган куни вилоят пахтазорларига 157 терим машинаси олиб чиқилди. Уларнинг

бункеридан 1900 тоннадан зиёд «оқ олтин» тўқилди. Машина терими Бўка, Юқоричирчиқ ва Оққўрғон туманларида, айниқса, намунали ташкил этилмоқда.

• Вилоят бўйича ҳар куни қўл теримида 210 минг киши фаол иштирок этмоқда. Уларнинг кунлик ўртача иш унуми 48-50 килограммдан тўғри келаётди. Ўтган куни улар ёрдамида далалардан 10 минг тоннадан зиёд ҳосил йиғиштириб олинди.

• 20 сентябрь куни вилоятда 12105 тонна пахта тайёрланди. Бу йиллик режага нисбатан 4,40 фоизга тенгдир. Вилоят бўйича шу кунгача тайёрланган пахта 139455 тоннага етди.



ФАХРИЙЛАР

Об-ҳавони кузатиш марказининг октябрь ойи бошларидан ҳаво айниб, тез-тез ёғингарчилик бўлиб туриши ҳақидаги хабари нафақат пахтакорларни, балки бутун вилоят меҳнат аҳлини умумий сафарбарликка ундади. Шундай бўлиши табиий. Зеро, гап фидойи деҳқонларнинг ёз бўйи қилган меҳнатлари эвазига етиштирилган пахта

ТАШАББУСИ

ҳосилининг тақдири ҳақида бормоқда. Айни кунларда вилоятимизнинг беистисно барча туман ва хўжаликлари далаларида йиғим-теримда оммавий сафарбарлик ҳар қачонгидан ҳам авж олиб кетди.

Ҳамманинг ўрни пахтазорда бўладиган дам келганлигини юракдан ҳис этган кексаю ёш пахтакорларга ёрдамга отланмоқда. Минглаб маҳаллалар

фахрийлари, нуронийлар, уй бекалари белларига этак боғлаб, йиғим-теримда баҳоли қудрат иштирок этмоқдалар. Жумладан, Мелибой Солиҳов, Абдусаттор Абдурахмонов, Абдуҷалил Мирзамуродов сингари оқсоқоллар бошлаб берган ташаббус бугунги кунда бутун Янгийўл шаҳрига ёйилиб, теримга чиқаётганлар сафи тобора кенгайиб борапти. Ўтган куни маҳалла оқсоқоллари, нуроний отахон ва онахонлардан 30 нафари Н.Ниёзов номли хўжалик даласига чиқиб 1287 килограмм

пахта териб бердилар.

Ўртачирчиқ тумани пахтазорларида ҳам ҳар куни 600 нафардан зиёд меҳнат фахрийлари, нуронийлар хирмонга муносиб улуш қўшмоқдалар. Бундай фидойиликни вилоятнинг барча туманлари пахтазорларида кўриш мумкин.

СУРАТДА: Чиноз туманидаги «Гулзоробод» хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи бир гуруҳ нуронийлар пахтазорда.

Александр МАЛЬЦЕВ олган сурат.

Такдимот



ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Ўзбекистон Миллий академик драма театрида «XXI аср: истиқболимиз тимсоллари» китобининг такдимот маросими ўтказилди.

— Китоб беш бўлимдан иборат бўлиб, унга ватанимиз байроғини дунё узра баланд кўтарган оловқалб ёшларимиз киритилган, — деди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг раиси Ботир Убайдуллаев. — Ҳали ўттизга тўлмаган ёшлар мустақиллик даврида, ўз соҳасида биринчи бўлиб катта довларни забт этганлиги янги тарих саҳифаларида муҳрланиб қолса ажаб эмас.

Китобнинг биринчи бўлими Мухаммадқодир Абдуллаев, Улугбек Полвонов, Руслан Чагаев каби машҳур спортчиларга бағишланган. Ёш мусаввир ва бастакорлар ҳақидаги маълумотлар китобнинг иккинчи бўлимидан жой олган. Зулфия ва «Нихол» мукофотлари совриндорлари, санъатимизнинг умид гунчалари ҳам китобдан муносиб жойлашган. Бундай ёшлар уч юздан ортик.

Такдимот маросимида китобга киритилган истеъдод эгалари, уларнинг ота-оналари ва устозлари ташриф буюришди.

— Қизим Японияда ўтказилган халқаро расмлар кўргазмасида биринчи ўринни эгаллаб, Президентимизнинг табригига муяссар бўлди, — деди хаяжонини яшира олмай Тожибар Матбобоева. — Қалбим севинча, ғурурга тўлиб ўтирибман. Ўзинг эришмаган орзуларингни фарзандларинг иқболида кўриш нақадар тотли.

«Туркистон-пресс».

ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ ТОМАС БАРТЕЛЬ ТАЛҚИНИДА

Авестонинг 2700 йиллиги ЮНЕСКО шафелигида нишонланиши муносабати билан Бранденбург шаҳридаги Давлат театрида талантливий немис расми Томас Бартелнинг «Зардуштийлик ва ўзбек йўл чизгилари» графика картиналари кўргазмаси бўлиб ўтди.

У Ўзбекистон Республикасининг ГФРдаги элчихонаси ва «Берлин — Бранденбург» хорижий алоқалар жамиятининг кўмагида мазкур шаҳарда ўтказилаётган «Толерантлик ҳафталиги» доирасида ташкил этилди.

Томас Бартель шу йил баҳорда мамлакатимизда бўлган кезлари пойтахтдаги Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида ўз асарлари экспозициясини намойиш қилган эди. Т. Бартель, шунингдек, ўз сафари чоғида қатор графика чизмаларини ҳам яратди. Уларда нафақат Самарқанд ва Тошкентдаги тарихий диққатга сазовор жойлар, балки ижтимоий ҳаёт

қирралари ҳам ўз аксини топди.

Бранденбург шаҳри бургомистрининг ўринбосари Ульрике Браунс кўргазмани очар экан, Ўзбекистон бой тарих ва кўҳна маданиятга эгаллиги, у жаҳон цивилизацияси тараққиёти ўчоқларидан бири эканини алоҳида таъкидлади.

— Ривожланиш йиллари давомида ҳаётнинг барча соҳаларида салмоқли ютуқларни қўлга киритиб, муваффақият билан жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашаётир, дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан, ҳамладан, Германия билан жам яқиндан ҳамкорлик қилмоқда, — деди Браунс хоним.

«Жаҳон» АА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИГА «МИЛЛИЙ ТЕАТР» МАҚОМИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

— халқимиз, аввало ёшларимиз қалбида миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш, уларни она Ватанга муҳаббат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат, гуманизм гоёларига садоқат руҳида тарбиялаш;

— истеъдодли санъаткорлар, ёш актёрлар, драматург ва режиссёрлар, сахна санъати мутахассисларининг салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун ўзига хос ижодий мактаб бўлиб хизмат қилиш;

— мамлакатимиз миқёсида ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш, жаҳоннинг ил-

фор ва нуфузли театрлари билан ижодий мулоқот ва амалий ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, халқаро фестивалларда ўзбек театри ютуқларини муносиб равишда намойиш этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддат ичида Ўзбек Миллий академик драма театрининг Низомини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси

Маданият ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бир ой муддатда Ўзбек Миллий академик драма театри ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тариф меъёрларини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

(Давоми.
Боши 1-бетда).

Тошкент шаҳри, 2001 йил 21 сентябрь.

МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

«Ўзбекистон миллий
энциклопедияси»нинг 2-жилди
нашрдан чиқди



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги байрами арафасида мамлакатимиз илм аҳли, зиёлилари, ўқувчи ва талабалари — барча китобхонларига муносиб совға тортиқ қилинди: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг 2-жилди босмадан чиқди. Президент Ислам Каримов «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг ўқувчиларига табрик хатида (бу хат 1-жилдда эълон қилинган) қомуснинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнига юқори баҳо бериб, «унинг нашр этилиши мустақил тараққиёт йўлида эришаётган ютуқларимизнинг ўзига хос кўзгуси, эркин ва озод халқ сифатидаги юксалишимизнинг яна бир муҳим белгиси» дея таъкидлаган эди.

Бу жилд «Бешик» мақоласи билан бошланиб «Гидрофизика» мақоласи билан тугайди, яъни «Б», «В», «Г» харфидоғи 4600 мақолани ўз ичига олган. Унинг ҳажми 119,52 нашриёт-ҳисоб табоғини ташкил этади. Мақолалар мазмунининг асосий йўналиши қомусчилар олдида қўйилган талабларга биноан Ўзбекистонни, унинг тарихи, адабиёти, санъати, дини, бой маънавияти ва ўлмас қадриятларини кенгрок ва чуқуррок ёритишга қаратилган. Мазкур жилдни варақлар экансиз бир ҳақиқат яққол кўзга ташланади. Унда кўплаб ижтимоий-сиёсий воқеа ва ҳодисалар қатори айрим тарихий шахсларнинг тарихда тутган ўрни ва ролини белгилашда ҳаққонийлик, илмийлик мезонига қатъий амал қилинган. Илгариги камситиш ва бирёқламалик, сохталаштиришлардан ҳоли, мутлақо янгича, миллий истиқлол гоёси ва

мафкурасидан келиб чиққан ҳолдаги ёндашув тарихий ҳақиқат тикланишига ёрдам берган. Ўқувчилар «Бухорий» (Имом ал-Бухорий) «Бурҳониддин Марғиноний», «Беҳзод», «Бобур», «Бобурийлар давлати», «Бибиҳоним», «Бухоро хонлиги», «Бухоро босқини», «Буюк ипак йўли», «Босмачилик», «Гавҳаршодбегим» каби мақолаларни ўқиганда бунга тўла ишонч ҳосил қилади.

Ушбу жилддан Ўзбекистоннинг бири-биридан гўзал, бетакрор гўшалари — Боёвут, Бойсун, Бувайда, Булунгур, Булоқбоши, Бўстонлик, Вобкент ва бошқа туман ҳамда қишлоқлари тўғрисидаги мақолалар жой олган. Бухоро вилояти билан боғлиқ 60дан ортик туркум мақола бор. Уларнинг географик-маъмурий тўзилиши, иқтисодий, маданий ҳаётига оид энг сўнгги — 2001 йилги маълумотлар берилган. Бу жилдда 28та давлат ҳақида мақола ёритилган. Хорижий дунё билан танишишни истаганлар «Бирлашган Араб Амирликлари», «Болгария», «Боливия», «Бразилия», «Бруней», «Бурунди», «Буюк Британия», «Ватикан», «Венгрия», «Венесуэла», «Вьетнам», «Габон», «Гаити», «Гамбия», «Гвинея», «Германия» каби мақолаларни ўқиб чиқса фойдадан ҳоли бўлмайди. Эътиборли томони шундаки, бу давлатларнинг табиати, ижтимоий-сиёсий тузumi, тарихи, маданияти, фани ва бошқа соҳаларини ёритиш билан бирга уларнинг Ўзбекистон Республикаси билан иқтисодий-сиёсий, маданий алоқалари ҳақида муфассал маълумотлар беришга ҳаракат қилинган.

Йирик фан соҳаларидан «Биология», «Биокимё», «Биофизика», «Ботаника», «Гео-

графия», «Геология» каби мақолаларда китобхон мазкур фанларнинг келиб чиқишидан бошлаб то шу кунга қадар тараққиётдан бохабар бўлади. «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти», «Бозор», «Болалар», «Валюта» сингари мавзуларга ҳам замонавий кўз билан ёндошилган.

2-жилдда 800дан ортик Улар буюк мутафаккирлар, давлат ва жамоат арбоблари, санъаткорлар, машҳур ёзувчилар, бегуноҳ қатағонга учраган тарихий шахслардир. Хусусан, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Воҳидов Эркин, ўзбек маърифатпарвари Бехбудий, шунингдек, Гаспринский Исмоил, Валидий Аҳмад Закий, Бухородаги маърифатпарварлик ҳаракати намояндалари Бурҳонов Абдулвоҳид, Бурҳонов Мукамил кабилар ҳақидаги мақолаларни кўрсатиш мумкин.

Китобда 1500дан зиёд рангли ва оқ-қора сурат, хариталар, диаграмма, турли чизма ва жадваллар бор. Мақолаларни тайёрлашда 600га яқин муаллиф иштирок этган. Улар Ўзбекистоннинг таниқли олимлари, ўз соҳасининг билимдонлари, етакчи мутахассисларидир. ЎЗМЭ 2-жилдини босмага тайёрлаш ҳамда чоп этиш ишлари Ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида замонавий технологиялар асосида сифатли амалга оширилди.

Қомусчилар айна кунларда Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 3-жилдини нашрга тайёрлаш устида қизғин иш олиб бормоқдалар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотнинг асосий, айтиш мумкин-ки, ўто муҳим, стратегик аҳамиятга молик йўналишларидан бири кичик ва ўрта бизнес-ни, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришдир.

«Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик, — деди Ўрта-бошимиз Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йилнинг июлидаги мамлакатимизни 2001 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган йиғилишида, — мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўлин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омили ҳам бўлиши даркор».

Шу нуқтаи назардан вилоятимизда хўжалик юритишнинг бу замонавий шакллари қандай ривожланаётганлигига қисқа назар ташламоқчимиз. Маълумки, бизда бу муҳим иш вилоят ҳокимининг шу йил 10-мартдаги 129 сонли қарори билан тасдиқланган «Вилоятда 2001 йилда кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш Дастури»га мувофиқ олиб борилмоқда. Жойларда бу дастурни амалга ошириш юзасидан муайян ишлар қилинди.

Мулк нодавлат секторининг иқтисодиётимиздаги салмоғи ортиб, мавқеи тобора мустақамланиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи ярми охирига келиб, вилоятда барча мулк шаклидаги 14980та корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатган бўлса, уларнинг нодавлат секторидakilари сони 13800тани ёки 92,1 фоизни ташкил этди. Бундай корхона-ташкилотлар сони ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 15,4 фоиз кўпайди.

Кичик корхоналар ҳам сезиларли ортди. Биринчи ярим йиллик охирига келиб вилоятимизда 1725та шундай тадбиркорлик тузилмалари ишлаб турди. Уларнинг сони ўтган йилдагига нисбатан сал кам 210тага ошди, меҳнат жамоалари сафига бирлашган фуқаролар сони ҳам анча

ортиб, 21,4 минг кишига етди. Саноатда кичик корхоналар тўртдан бир қисмга яқин кўпайди. Уларнинг ўсиши қишлоқ хўжалигида 13,3 фоизни, савдода 2,7 фоизни ташкил этди. Йилнинг биринчи ярмида кичик корхоналар жамоалари қўлидан чиққан маҳсулот ва кўрсатилган хизмат ҳажми 13,5 миллиард сўмликка яқин бўлди.

Тадбиркорликнинг микрофирмалар каби энг кичик шакли ҳам ривожланиш йўлидан бормоқда. Биринчи ярим йилликда уларнинг

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимиз келажаги

мингдан ортиқ фуқаро шу билан машғул. Улар ўтган йилнинг шу пайтидагига нисбатан 800та кўп.

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш оқибат натижада ишсизлик муаммосини ижобий ҳал қилиш имконини беради. Вилоятимизда янги иш ўринлари барпо этиш топшириқлари ортиги билан бажарилишида шундай тадбиркорлик тузилмаларининг муносиб ҳиссаси бор.

Агар барча шаҳарлар ва туманларда кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга лозим даражада

корликни ривожлантиришда янада юқори натижаларга эришилган, энг асосийси, юзлаб қўшимча ишчи ўринлари яратилган бўларди.

Фаолиятсизлиги туфайли айрим корхоналарнинг синиши бозор иқтисодиётига хос манзара. Лекин, мавжуд кичик ва ўрта бизнесни, хусусан тадбиркорлик тузилмаларини иложи борица сақлаб қолиш, бунинг учун ёрдамни аямаслик лозим. Ваҳоланки, қўллаб-қувватлаш масаласига эътиборсизлик оқибатида, вилоятимиз бўйича юздан ортиқ шундай тузилма ўз фаолиятини тўхтатиб қўйди. Биргина Ангрен шаҳрида йилнинг олти ойида бундай тузилмалар сони 16тани ташкил этди. Айниқса, Тошкент, Пскент, Ўрта-чирчиқ туманларида бу хил нохуш ҳолат кенг тус олган. Чунончи, биринчи ярим йилликда

Тошкент туманида 54та, Пскентда 38та, Ўртачирчиқда деярли 30та кичик ва ўрта бизнес корхоналари тугатилди. Бундай аҳволни Оҳангарон, Бўка, Куйи-чирчиқ туманларида ҳам кўриш мумкин.

Кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш Дастурида белгиланган вазифалар муваффақиятли бажарилишига эришишнинг катта аҳамиятга эга эканлигини, ҳар бир шаҳар, ҳар бир туман ҳокимликлари, барча мутасадди идоралар чуқур тушуниб олишлари даркор. Улар бу муҳим масалага муносабатни тубдан яхшилашлари, унга тўсқинлик қилаётган ҳамма сабаблар, ғовларни бартараф этишлари лозим. Шунинг унутмаслик кераки, республикаимиздаги маҳаллий ҳокимликлар фаолиятига уларнинг ҳудудида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш даражасига қараб баҳо берилди.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
иқтисодий шарҳловчиси.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

сони 11 мингтадан ҳам ошиб кетди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан 13,9 фоиз ортиқдир. Бундай тузилмалар, айниқса, қишлоқ хўжалиги ва қурилишда жадал бунёд этиляпти. Энг муҳими, улар ишсизлик каби муаммонинг бартараф этилишига ҳам ёрдам бермоқда. Ҳозирги вақтда уларда 50 минг нафарга яқин фуқаролар иш билан таъминланган.

Яна бир рақам эътиборга молик. Биринчи ярим йилда вилоятда 1335та тадбиркорлик субъекти юридик шахс мақоми билан рўйхатга олинди. Бу ўтган йилнинг шу вақтидагидан 83та кўпдир.

Мўлжалдагидан эса, қирқта ортиқ. Юзак қараганда, арзимасдек кўринган бу натижанинг мазмун-моҳияти анча катта. У юзлаб оила аъзоларини иш билан таъминлаш, бу оилалар фаровонлигини қисман бўлса ҳам ошириш имконини бергани билан муҳим.

Айни вақтда вилоятда юридик шахс муқомига эга бўлмаган тадбиркорлик тузилмалари кўпайиб бораётганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳозирги кунда 28,5

эътибор берилганида эди бу соҳадаги ютуқларимиз янада салмоқли бўларди. Афсуски, масаланинг долзарблигини, моҳияти чексиз эканлигини тушуниб туриб унга лоқайд, бегисанд муносабатда бўлиш ҳоллари давом этмоқда. Хусусан, Оҳангарон шаҳрида таркиб топган аҳвол жуда қониқарсиз. Бу ерда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун қулай имкониятлар бўлишига қарамай, белгиланган топшириқлар йил бошидан бери бажарилмай келиняпти. Унинг ярим йиллик бўйича якунлари 70 фоиздан сал ошириб адо этилди, холос. Куйи-чирчиқ, Юқоричирчиқ туманларида эса, аҳвол янада ачинарлидир. Уларда режанинг бажарилиши кўрсаткичи 66-67 фоизда қолиб кетди. Қулай омиллар мавжуд бўлган Ўртачирчиқ туманининг бу соҳадаги оқшабини ҳеч нарсга билан оқлаб бўлмайди. Туманда ярим йиллик топшириқ 89,2 фоиз қилиб адо этилди. Агар шаҳар ва туманлар лоқал топшириқни уddалаганларда эди, вилоятимизда кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбир-

ЯПОНИЯ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Япония Миллий молия корпорацияси вакиллари Ўзбекистонга ташриф буюришди. Меҳмонлар ташрифи кичик ва ўрта бизнес ривожига техник ёрдам кўрсатиш юзасидан корпорация ва республика Давлат мулки қўмитаси ҳамкорлиги доирасида амалга оширилмоқда.

Давлат Мулки қўмитасида бўлиб ўтган учрашувда икки томонлама ҳамкорлик масалалари муҳокама этилиб, мутахассислар алмашиш, техник ёрдам кўрсатиш борасида Ўзбекистонга экспертларни юбориш хусусида келишувларга эришилди.

Япония Миллий молия корпорацияси мутахассислари республика биржа марказида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ёрдамида кичик ва ўрта бизнесни барпо этишни молиялаштиришга кўмаклашувчи вазирликлар, идоралар ва банклар ходимлари учун ўқув семинарлар ўтказди. Машғулотлар давомида «Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодий тараққиётдаги ўрни», «Барпо этилаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш», «Япония Миллий молия корпорациясида кредит таҳлилининг ўзига хосликлари» каби маърузалар ўқилди.

«Туркистон-пресс».

ТУРИЗМ ЭЛЛИКТАДАН ОШДИ

Бўстонликдаги «Конмит» корхонаси ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг нафақат ҳажми во сифати, балки тури ҳам ортиб бора-япти. Ҳозирги вақтга келиб, бу ерда элликдан ошқ турдаги маҳсулот тайёрлана-япти.

Яқинда қўшма корхона ишчилари яна бир янги маҳсулотни харидорлар ҳукмига ҳавола қилдилар. Бу ерда гўшт консервасини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бунинг учун Германиядан зарур асбоб-ускуналар сотиб олинди. Жамoa бу янги маҳсулот ҳам харидор-гир бўлишига умид қилмоқда.

Ўз мухбиримиз.



Бу мажмуанинг очилиши қишлоқда катта тантана ва байрамга айланди. Бунинг боиси бор эди. Хўжалик бошқаруви шу кунни 14та оиладаги болакайларнинг ҳатна тўйини ҳам қўшиб ўтказди. Мажмуа ичкарасига киришингиз билан дилингиз яйраб, кўзингиз қувнаб кетади. Чап томондаги 400 ўринли ҳамма қулайликларга эга бўлган бино ичкарасида безатиклик дастурхон атрофида болакайлар ўз қариндош-уруғлари даврасида ўтиришибди. Ёқимли куй ва қўшиқлар дилларни хушнуд этади.

Туман ҳокимининг ўринбосари Раҳматилла Шерматов мажмуанинг фойдаланишга топширилиши билан тўпланганларни қўтлайди. Тўй болаларни табриклайди, уларга узоқ умр, бахтли-саодатли ҳаёт тилайди, совғалар улаштиради. Катта миқдорда пул қўйилган омонат дафтарчалари берилади.

га ҳаракат қилдик. Иккита теннис майдони бор. Улардан бирида машқ олиб борилса, иккинчисида ўйин ўтказилади. Ўзимиздан чиққан малакали тренерлар спорт иш-кибозлариға сабоқ берадилар.

Биз суннат тўйи ўтказилаётган болакайлардан бири — Ботиржоннинг бувисини суҳбатга таклиф қилдик.

— Тақдир эканда,қизим Умида-нинг турмуши келишмади. У қайтиб келганида неварам Ботиржон бир ярим ёшда эди. Уни қўлдан келганча кўнглини ўқситмай, оқ ювиб, оқ тараб ўстирдик. Етти ёшга тўлди, мактабга қатнай бошлади. Лекин, ҳатна тўйини ўтказишга қийналиб турган эдик. Барака топишсин, хўжалигимиз мутасаддилари «ҳеч ҳафа бўлманглар, тўйни ўзимиз ўтказиб берамиз», дейишди.

Бошқа ота-оналар ҳам Ботир-

2001 йил — Оналар ва болалар йили

ФАРЗАНДЛАР УЧУН

Тошкент туманидаги Фиёс Уморов номли ширкат хўжалигида янги «Мадоний-маърифий соғломлаштириш мажмуи» фойдоланишга топширилди.

Шу ерда хўжалик раҳбари Комилжон Қаримовни учратдик. У бундай деди:

— Бу ерда фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳамма шароитни яратишга ҳаракат қилдик. Иккита теннис майдони бор. Улардан бирида машқ олиб борилса, иккинчисида ўйин ўтказилади. Ўзимиздан чиққан малакали тренерлар спорт иш-кибозлариға сабоқ берадилар.

Биз суннат тўйи ўтказилаётган болакайлардан бири — Ботиржоннинг бувисини суҳбатга таклиф қилдик.

Бошқа ота-оналар ҳам Ботир-

жоннинг бувиси сўзларини қўллаб-қувватлашди.

Президентимизнинг раҳбар қўйиб-ёниши, мен юртимга нима берайман, мустақилликни мустақамлаш учун нима қиляйман, ўзимдан кейинги авлодларга нима қолдиряйман, деб ўйлаши, мушоҳада қилиши лозим деган гапларини эсладим. Айтиш мумкинки хўжалик раҳбарлари бу ишончни оқлашмоқда. Акс ҳолда

қисқа вақт ичида бу ерда эл-юртга хизмат қиладиган катта қулайликларга эга бўлган мактаб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, поликлиника

янгидан таъмирланиб, ҳозирги замон услубида қайта қурилиб, ишга туширилди. Мана бугун эса соғломлаштириш мажмуи элга хизмат қила бошлади.

— Қишлоқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириб бораё-миз, — дейди раис. — Шу туфайли ҳамма тармоқда режани бажариб, соф фойдани кўпайтирмаймиз. Шундай бўлгач, бундан буён ҳам янги-янги қурилиш, ободончилик ишларига қўл урамиз. Халққа хизмат қилишни биринчи даражали бурчимиз, вазифамиз деб била-миз.

Носир РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.



СУРАТЛАРДА: тантаналардан лавҳалар.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

Dushanba

24

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00-8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
*
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Сўзана», «Гилам».
9.10 ТВ метео.
9.15 «Санъат олами».
9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал. 1-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.30 «Тақдири азал». Бадий фильм.
11.40 «Шохрух клуби».
12.05 «Адолат мезо-

ни».
12.25, 13.20 ТВ анонс.
12.30 «Олам». Телеальманах.
13.05 «Қишлоқ ҳаёти».
13.25 «Яккама-якка жанг». Спорт дастури.
13.45 ТВ-1 намойиш этади.
14.10 Кундузги сеанс: Омад ҳамиша келавермайди». Бадий фильм.
15.20 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
15.40 «ТВ клуб».
16.00 Концерт.
16.30 «Қоплонлар ҳақида ҳақиқат». Хужжатли фильм премьераси.
17.20 «Навоий ва шахзода Ғариб Мирзо». 2-қисм.

18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 «Ўн ёшлилар».
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Иқтидорли ёшлар ҳақида ҳикоя қилувчи «XXI аср: истиқлолимиз тимсоллари» китоби тақдироти маросими.
22.05 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 28-қисм.
22.30 «Ахборот».
23.05-23.10 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканалли
14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 Жаҳон жуғрофияси.
15.45 «Давр» ҳафта ичида».
16.25 «Олти жаҳонгашта». Бадий фильм.
17.30 Спорт ҳафтано-маси.
17.45 «Янги авлод» почтаси, «Билагон маслаҳати».
18.15 «Кулупнайнинг тугилган куни». Мультфильм.
18.35 Ҳуқуқ ва бурч.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан. «Илдиз ва япроқ».
19.50 Якшанбада кўришгунча.

20.05 Остонадаги орзулар.
20.25 Ёшлар овози.
20.45, 21.30, 22.30 Эълонлар.
20.50 Ўткир Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». Видеофильм 1-қисм.
21.35 Қишлоқдаги тенгдошим.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Қалбим чечаги». Телесериал 13-қисм.
23.20 «Давр». Ахборот дастури.
23.35 «Ёшлар» телеканаллида спорт: Интер-футбол.
1.10-1.15 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканалли

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 Болажонлар экрани. «Афсунгар».

18.30, 21.00, 21.40, 00.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50, 20.05, «Экспресс» телегазетаси.
19.05 ТТВ да сериал. «Луиза Фернанда».
19.50 «Авто-news».
20.20 ТТВда сериал: «Селеста».
21.25 «Интер-спорт».
22.00 Кинонигоҳ.
«Парама».
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00

14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ

15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 CFI тақдим этади: «Ёввойи хайвонлар туркумидан».

16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.25 М. Евдокимов хузурида меҳмонда.
18.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
*
20.30 «Бизнес-ревью».
20.35 «Бебилиска пул». Сериал.
21.25 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
21.45 «Клип-антракт».
21.55 Кинематограф. «Ўз ҳисобидан таътил». Бадий фильм.
00.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Seshanba

25

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Жаҳон киноси юлдузлари».
9.15 ТВ метео.
9.20 «Бугуннинг гапи».
9.35 «Шарки ва Жорж». Телесериал. 2-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.25 «Қонли тош». Бадий фильм.
11.45 «Қўнғироқгул». Мультфильм.
12.05 Иқтидорли ёшлар ҳақида ҳикоя қилувчи «XXI аср:

истиқлолимиз тимсоллари» китоби тақдироти маросими.
13.05, 13.55 ТВ анонс.
13.10 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал. 28-қисм.
13.35 «Мураббий». Спорт дастури.
14.10 Кундузги сеанс: «Нодир шахс». Бадий фильм.
15.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
15.50 «Мулк».
16.05 Концерт.
16.35 «Зумраша». Ҳажвий киножурнал.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Йўли ёруғ, иқболи нурафшон. Ватан». Премьера.
18.35 «Орзулар дово-ни».
18.45 «Ўзбек спорти

одимлари».
19.05 «Фермер».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Наво тоғди Навоий».
21.25 «Гийҳвандлик - аср вабоси».
21.45 «Сув ости саргузаштлари». Хужжатли фильм.
22.35 «Ахборот».
23.10-23.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканалли

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Билагон маслаҳати».
9.45 Мультфильм.

10.15 «Живз ва Вустер». Телесериал.
11.05 Саломатлик сирлари.
11.25 Ўткир Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». Видеофильм 1-қисм.
12.05 Бизнес-академия.
12.20 «Ёшлар» телеканаллида спорт: Интер-футбол.
13.55 «Қалбим чечаги». Телесериал 13-қисм.
14.45 «Илдиз ва япроқ».
15.00 Автосалтанат.
15.15 Остонадаги орзулар.
15.40 «Ноилож сайёдалар». Телесериал.
16.25 Ёшлар овози.
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили», «Келинг, танишайлик».
17.20 «Пуф ва жаноб Ҳечким». Мультфильм.
17.45 Таянч.
18.00 «Портрет».

Телефильм.
18.10 Автопатрул.
18.30 ТВ-анонс.
18.35 Минг бир маслаҳат.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 «Давр» - интервью.
19.50 «Куз». Телефильм.
20.00 Ёшлар овози.
20.20 Марду майдон.
20.40, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.45 Ўткир Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». Видеофильм 2-қисм.
21.30 Ватан манзаралари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Қалбим чечаги». Телесериал 14-қисм.
23.20 «Давр». Ахборот дастури.
23.35 «Ёшлар» телеканаллида спорт дасту-

ри.
00.20-00.25 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканалли
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 Болажонлар экрани. «Афсунгар».
18.30, 21.00, 21.35, 23.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.05 ТТВ да сериал. «Луиза Фернанда».
19.50 «Хайрли оқшом».
20.20 ТТВда сериал: «Селеста».
21.20 «Дурдона».
21.55 Кинонигоҳ.
«Чайқовчи».
23.55-24.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ
*
15.00 Кўрсатувлар

тартиби.
15.05 CFI тақдим этади: «Ёввойи хайвонлар туркумидан».
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.25 «Рус экстрими».
18.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Бўш ҳалқа» шоу ўйин премьераси.
20.00 «Время».
*
20.30 «Бизнес-ревью».
20.35 «Бебилиска пул». Сериал.
21.25 «Х-Спорт».
21.40 «Саёхатлар олами».
21.55 «Клип антракт».
22.05 Кинематограф. «Регина». Бадий фильм.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Chorshanba

26

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Янги аср Наврўзи». Премьера.
9.15 ТВ метео.
9.20 «Тиббиёт одимлари».
9.30 «Шарки ва Жорж». Мультсериал. 3-қисм.
10.00, 12.00, 14.00 Янгилар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Бегоналарнинг кириши мумкин эмас, мумкин». Бадий фильм.
11.40 «Қамолот сари».

12.05 «Ана холос». Мультфильм.
12.15 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-гизингтоймиз».
12.35 «Пири коинот». Ўзбек Давлат академик драма Миллий театрнинг спектакли. 1-қисм.
13.35 ТВ-анонс.
13.40 «Ринг». Спорт дастури.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.35 «Экспедиция». Телесериал. 7-қисм.
15.25 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
16.00 Концерт.
16.30 «Чорраҳада». Видеофильм. 1-қисм.
17.15 «Тараққиёт йўлида».
17.30 Футбол. Осиё кубок эгалари кубоги.
«Пахтакор» (Тошкент)-

«СКА- ПВО» (Бишкек) «Пахтакор» марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танафус пайтида - Янгилар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.20 «Ўзбек спорти одимлари».
21.40 «Олам». Телеальманах.
22.15 «Орзулар қанотида».
22.40 «Ахборот».
23.15 -23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканалли

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Боланинг

тили», «Келинг, танишайлик».
9.45 Мультфильм.
10.00 «Давр» - интервью.
10.15 «Живз ва Вустер». Телесериал.
11.05 2001-Оналар ва болалар йили. «Фарзандим-жигарбандим».
11.20 Ўткир Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». Видеофильм 2-қисм.
12.00 Таянч.
12.15 Болалар экрани. «Мария-Мирабелла Транзисторияда».
13.25 Ёшлар овози.
13.45 «Қалбим чечаги». Телесериал 14-қисм.
14.35 Ватан манзаралари.
14.55 «Ноилож сайёдалар». Телесериал.
15.45 «Жейн хоним». Бадий фильм 1-қисм.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод»

студияси: «Оқ кабутар».
17.20 «Ренард исмли тулки». Мультфильм.
18.40 Далил ва шарҳ.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 «Ракурс».
19.55, 22.30 Эълонлар.
20.00 Спорт - лотто.
20.10 «Очил дастурхон».
20.25 Ўткир Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». Видеофильм 3-қисм.
21.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.40 «Қалбим чечаги». Телесериал 15-қисм.
23.30 «Давр». Ахборот дастури.
23.45 «Ёшлар» телеканаллида спорт: Интер-футбол.
1.35-1.40 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканалли
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 «ТВ плюс».
18.30, 21.00, 21.45, 23.45 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50, 21.30 «Экспресс» телегазетаси.
19.05 ТТВ да сериал. «Луиза Фернанда».
19.50 «Янги иқтисод».
20.20 ТТВда сериал: «Селеста».
22.05 Кинонигоҳ.
«Капитан».
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
14.00 -15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ
*
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 CFI тақдим этади: «Ёввойи хайвонлар туркуми-

дан».
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.25 Е. Петросяниннинг Кулги панорамаси.
18.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
*
20.30 «Бизнес-ревью».
20.35 «Бебилиска пул». Сериал.
21.25 «СНН-шоу».
21.40 «Ўз-ўзига режиссёр».
22.15 «Клип-антракт».
22.25 Кинематограф. Дени де Вито «Шафқатсиз кишилар» фильмида.
23.50 «Ахборот» (рус тилида)
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Payshanba

27

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00- «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм»

намойиши: «Хисор қуриқхонаси».
9.15 ТВ метео.
9.20 «Табаррук қадамжолар».
9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал. 4-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.

10.05 «Талаб ва тақлиф».
10.25 «Сехрли саргузашт». Бадий фильм.
11.35 «Шахс ва жамият».
11.55 ТВ анонс.
12.05 Болалар учун. «Меҳр маскани».
12.25 «Пири коинот». Ўзбек Давлат академик драма Миллий театрнинг спектакли. 2-қисм.
13.25 «Олам». Телеаль-

манах.
14.10 «Унутмас мени боғим». Бадий-публицистик кўрсатув.
14.30 «Экспедиция». Телесериал. 8-қисм.
15.20 «Талабалик йилларим».
15.40 «Қюша ва Компьюша ҳақида». Мультфильм.
16.00 Концерт.
16.30 «Бешбармоқ». Тележурнал.
16.50 «Чорраҳада».

Видеофильм. 2-қисм.
17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 «Болалар ва мусиқа».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Ўзбек спорти одимлари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақла-

ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Буюк Ипак йўли ҳақида ҳақиқат». Хужжатли фильм.
21.20 «Саҳна ҳаёти».
21.45 «ТВ -клуб».
22.05 «Ҳазина».
22.15 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 29-қисм.

22.40 «Ахборот».
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканалли
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Кичкинтой театри».
9.40 «Живз ва Вустер». Телесери-

ал. 10.30 Спорт-китъаси. 11.00 Сенинг вақтинг. 11.20 Саломат бўлинг. 11.40 Ўткир Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». Видеофильм 3-қисм. 12.20 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. 13.55 «Қалбим чечаги». Телесериал. 15-қисм. 14.45 Ракурс. 15.05 «Ноилож сайёдлар». Телесериал. 15.55 Тафаккур	ёлкинлари. 16.10 «Жейн хоним». Бадий фильм 2-қисм. 17.05 «Оила тилсими». 17.30 Кўрсатувлар дастури. 17.35 «Янги авлод» студияси: «Катта танафус». 17.55 Ўзбекистон CNN нигоҳида. 18.20 Тараққиёт. 18.35 Табобат оламида. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 ТВ-анонс.	19.35 «Давр» - интервью. 19.50 «Ирода Тўлаганова. Ғалабалар даври». Видеофильм. 20.15 Ёшлар овози. 20.40, 21.25, 22.30 Ёшлар. 20.45 Ўткир Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». Видеофильм 4-қисм. 21.30 Мезон. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 «Қалбим чечаги». Телесериал. 16-қисм. 23.20 «Давр». Ахборот	дастури. 23.35 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. 1.10-1.15 Хайрли тун! «Тошкент» телеканал 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара». 18.05 Болажонлар экрани. «Афсунгар». 18.30, 21.00, 21.40, 00.15 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50, 20.05 «Экспресс» телегазетаси. 19.05 ТТВ да сериал.	«Луиза Фернанда». 19.50 2001 йил - «Оналар ва болалар йили». «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби. 20.20 ТТВда сериал: «Селеста». 21.25 «Тошкент ва тошкентликлар». 22.00 «Долзарб мавзу». 22.15 Кинонигоҳ. «Соврин». 00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал РЖТ 6.30-8.00	14.00 - 15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 15.00 Кўрсатувлар тартиби. 15.05 CFI такдим этади: «Ёввойи хайвонлар туркумидан». 16.00 «Вести». 16.25 «Морена Клара». Сериал. 17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 17.25 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий журнал.	18.00 «Муҳаббат замини». Сериал. 19.00 «Бўш халқа» шоу ўйин премьераси. 20.00 «Время». 20.30 «Бизнес-ревью». 20.35 «Бебилиска пул». Сериал. 21.25 «Соккер-клуб». 21.45 «Кино сайёраси». 22.05 «Клип-антракт». 22.15 Кинематограф. «Жазога маҳкум». Бадий фильм. 23.50 «Ахборот» (рус тилида) 00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»
--	---	--	---	--	--	---

JUMA

28

«Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Унутилган ўйинлар». 9.15 Тв метео. 9.20 «Зийнат». 9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал. 5-қисм. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Инсон ва замин». 10.25 «Отпусага чиқолмадик». Бадий фильм. 11.40 «Бешбармоқ». Тележурнал. 12.05 «Ўзлигинг намоён қил».	Экранда - Қорақалпоғистон Республикаси. 12.30 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал. 29-қисм. 12.55, 13.50 ТВ анонс. 13.00 «Саҳна ҳаёти». 13.25 «Дунёни чорлаган диёр». Видеофильм. 14.10 Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон кубоги. 14.35 «Экспедиция». Телесериал. 9-қисм. 15.25 «Йиллар ва йўллар». 15.40 «Ёнимиздаги одам». Бадий-публицистик кўрсатув. 16.00 Концерт. 16.30 «Миттивойлар оиласи». Кинокурса-тув. 16.55 «Чорраҳада». Видеофильм. 3-қисм. 17.40 «Нурли манзиллар». 18.10 «Ўзбекистон: XXI	аср ёшлари». 18.35 «Омад қувончи». Телелотерея. 19.05 «Имконият». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 «Оламни асранг!» 20.30 «Ахборот». 21.05 «Зиё» студияси намоиши этади: «Эътиқод мустақамлиги йўлида». 21.35 Теннис бўйича «Президент кубоги» 2001 Халқаро турнири соломаси. 22.35 «Устоз ва мураббий». Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган телекўприк. 23.20 «Ахборот». 23.55-24.00 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 8.55 Кўрсатувлар дастури.	9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танафус». 9.40 Мультфильм. 10.00 «Давр» - интервью. 10.15 Тараққиёт. 10.30 «Живз ва Вустер». Телесериал. 11.20 Ёшлар овози. 11.45 Ўткир Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». Видеофильм 4-қисм. 12.25 Мезон. 12.45 Интерфутбол. 14.20 «Қалбим чечаги». Телесериал. 16-қисм. 15.15 Минг бир маслаҳат. 15.35 «Ноилож сайёдлар». Телесериал. 16.25 Кўрсатувлар дастури. 16.30 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», «Кичкинтой театри». 17.00 Мультфильм. 17.40 Қўли гул уста. 18.00 Ёшлар ва маъна-	вият. 18.15 Ҳуқуқ ва бурч. 18.35 Аскар мактублари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 ТВ-анонс. 19.35 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм. 19.50 Футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш турнири. Қатар-Ўзбекистон. Танафус пайтида-мусликий лаҳзалар ва эълонлар. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Аср киёфаси. 22.50 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Ринг қироллари. 23.50 «Давр». Ахборот дастури. 00.05-00.15 «Мунаввар тонг истаб». «Тошкент» телеканал 17.20 Кўрсатувлар	тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара». 18.05 Болажонлар экрани. «Афсунгар». 18.30, 21.00, 21.35, 23.25 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50, 20.05, «Экспресс» телегазетаси. 19.05 ТТВ да сериал. «Луиза Фернанда». 19.50 «Хамшаҳарлар». 20.20 ТТВда сериал: «Селеста». 21.20 «Огоҳ». Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси матбуот маркази хабар қилади. 21.55 Кинонигоҳ. «Болаларим қаерда?» 23.45-23.50 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал РЖТ 6.30-8.00 14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 15.00 Кўрсатувлар	тартиби. 15.05 CFI такдим этади: «Денгиз афсонаси». 16.00 «Вести». 16.25 «Морена Клара». Сериал. 17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 17.25 CFI такдим этади: «Байрамлар юрти». 17.50 «Клип антракт». 18.00 «Муҳаббат замини». Сериал. 19.00 «Мўъжизалар майдони». 20.00 «Время». 20.30 «Бизнес-ревью». 20.35 «Дурдаршан». 21.00 «Олам бўйлаб». 21.35 «Клип антракт». 21.45 Кинематограф. «Карнавал». Бадий фильм. 1-2 қисмлар. 00.05 «Ахборот» (рус тилида) 00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»
--	---	---	--	--	---	---

SHANBA

29

«Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 8.55 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Қуёшли ўлка». Премьера. 9.10 ТВ метео. 9.15 «Бахтимизга омон бўлинг». 9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал. 6-7-қисмлар. 10.25 «Маърифат». Телеальманах. «Тирик сайёра» кинодастури: 10.45 «Заминдаги буюқ эврилиш». Ҳужжатли фильм. 11.40 Телевизион миниатюралар театри. 12.15 «Цирк, цирк,	цирк». 12.50, 14.25 ТВ анонс. 13.00 ТВ 1 кинотеатри: «Табиб». Бадий фильм. 1-қисм. 14.05 «Дўстлик» видеоканали: «Мехрангез», «Жетиген». 14.35 «Табиб». Бадий фильм. 2-қисм. 15.35 «Спорт шанбадан-шанбагача». 16.00 Концерт. 16.25 Футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш турнири. Қатар-Ўзбекистон. 17.55 «Мўъжизалар майдончаси». 18.55 «Ранглар жило-си». 19.05 «Ўзбек спорти оимлари». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 «Ўзбекистон	янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 «Олтин дала». 21.35 «Шанба оқшомида». 22.00 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанадан репортаж. 22.20 «Ахборот». 22.55-23.00 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», «Кичкинтой театри». 9.30 Мультфильм. 9.50 Табобат оламида. 10.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари. 11.10 Аср киёфаси. 11.30 «Рамаяна». Телесериал. 12.05 Қутилмаган меҳмон. 12.25 «Икки юз ёшли одам». Бадий фильм 1, 2-қисмлар.	13.45 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис. 14.20 Маслаҳат. 1, 2-қисмлар. 15.30 «Чемпион сирлари». 15.50 «Номини ҳам сўраманг». Видеофильм. 16.40 Кўрсатувлар дастури. 16.45 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма». 17.05 Мультфильм. 17.35 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини олтидан. «Зиё улашган инсон». 17.50 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал. 18.10 Ёшлар овози 18.30 Лаззат. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 ТВ-анонс. 19.35 «Давр»-интервью. 19.50 Мутуйба 20.10 Бизнес-академия. 20.25 Ҳайрат. 20.45, 21.25, 22.50 Ёшлар. 20.50 «Рамаяна».	Телесериал. 21.30 Футбол плюс. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Кинотакдим. 22.55 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Суғур қуни». Бадий фильм. 00.40-00.45 Хайрли тун! «Тошкент» телеканал 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда». 18.10 Болажонлар экрани. «Афсунгар». 18.35 2001 йил-«Оналар ва болалар йили». «Саломатлик маскани». 18.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 19.10, 20.10 «Экспресс» телегазетаси. 19.25 «Ибрат». Журналист Фарида Усмонова. 19.50 «Нима учун?» Ҳажвий кўрсатув. 20.25 М. Бобоев.	«Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 13-қўй. 21.05 «Спорт-тайм». 21.25 «Ошику беқарор». Бадий фильм. 23.00 «Телефакт». 23.10 Кинонигоҳ. «Кўкка совирилган пуллар». 00.45-00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Клип антракт». 9.10 Е. Петросяниннинг «Кулги панорамаси». 9.45 «Смак». 10.05 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатув. 10.30 CFI такдим этади: «Денгиз афсонаси». 11.25 Кундузги сеанс: «Барокк ит». Бадий фильм. 12.50 «CFI янгиликлари». 13.00 Дўстлик видеоканали: «Бизнен мирас».	«Ягона оилада», «Сахий хонадонда». 14.00-14.30 «Немис тили». *** 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Бинафша». 17.25 CFI такдим этади: «Байрамлар юрти». 17.50 «Аралаш». Ҳажвий журнал. 18.05 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин. 19.05 Стивен Спилберг «Тубсизликдан келган болалар» фильмида. 20.00 «Время». 20.35 «Бизнес-ревью». 20.40 «Олам бўйлаб». 21.25 «Мюзик-холл». 21.55 Кинематограф. «Таътил». Бадий фильм. 23.40 Ахборот (рус тилида) 00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»
--	--	---	---	--	--	--

Yakshanba

30

«Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.00 «Ғаройибот». 9.15 «Қуён оғаникида ҳовли тўйи». Мультфильм». 9.35 ТВ метео. 9.40 «Шоҳрух клуби». 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Эртақлар - яхшиликка етаклар». «Сехрли дур». 11.50 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Она меҳри». 12.10 Шукрулло. «Тўйдан кейин томоша». Муқимий номидаги Ўзбек	Давлат мусликий театрининг спектакли. 13.40 «Қувноқ шаҳарча». Телевизион ўйин. 14.10 «Бўстон». Тележурнал. 14.30 «Табассум кўчаларида». 15.05 «Муҳофаза». 15.15 Мўайтай бўйича Осиё чемпионати. 15.35 «Бу ажиб фасл». Телеальманах. 16.00 Концерт. 16.25 «Бенжи». Бадий фильм. 17.45 «Олтин тож». Телевизион ўйин. 18.05 Теннис бўйича «Челленжер» халқаро турнири. 19.05 «Тўртинчи хокимият». 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ёшлар. 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида) 20.05 Кино янгиликла-	ри. 20.30 «Тахлилнома». 21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга». 21.35 «Келин-куёв». Телешоу. 22.45 Каратэ бўйича Ўзбекистон кубоги. 23.10 ТВ-1 намоиш этади. 23.25-23.30 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма». 9.20 Мультфильм. 9.35 Футбол плюс. 9.55 Болалар экрани. 11.20 «Ёшлар» телеканалда харбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марду майдон, 2. Аскар мактублари. 12.00 «Денгиз жанги». Телелотерея. 12.45 «Очил дастурхон».	13.00 «Рамаяна». Телесериал. 13.35 Ёшлар овози. 13.55 «Икки юз ёшли одам». Бадий фильм 3-қисм. 14.50 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси». 15.10 Мультфильм. 15.30 Интерфутбол. 17.00 Қишлоқлаги тенгдошим. 17.20 Спорт ҳафтано-маси. 17.35 Кўрсатувлар дастури. 17.40 «Янги авлод» студияси: «Ким эгчил-у, ким чакқон?». 18.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури. 18.55, 21.55 «Иқлим». 19.00 «Давр»-news. 19.20 Якшанбада кўришгунча. 19.35 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини олтидан. «Синфдош». 20.05, 20.45, 22.45 Ёшлар. 20.10 «Рамаяна». Телесериал.	20.50 «Озод юрт фарзандлари» Видеофильм 21.10 «Заковат» интеллектуал ўйини. 22.00 «Давр» ҳафта ичидида. 22.40 Олтин мерос. 22.50 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Қочоқ келин». Бадий фильм. 00.40-00.45 Хайрли тун! «Тошкент» телеканал 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда». 18.10 Болалар учун. «Қуралай». 18.30 «Сухбатдош». 18.45 «Ёднома». М. Уйғур. 19.10, 19.50 «Экспресс» телегазетаси. 19.25 «Ёшлар худуди». 20.05 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 14-қўй. 20.45 «ТТВ плюс юлдузлар».	21.05 2001 йил-«Оналар ва болалар йили». «Биз ва болаларимиз». 21.35 Кинонигоҳ. 23.00-23.05 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Клип антракт». 9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган кайдлари». 9.30 «Хамма уйдалигида». 10.05 «Кайфият» дам олиш дастури. 11.05 Болалар соати: «Пеппи - узун пайпоқ». Бадий фильм. 2 - қисм. 12.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 12.25 «Парле ву франсэ?» 12.50 Кундузги сеанс: «Мехмонхона». Бадий фильм.	14.40 - 15.20 «Дўстлик» видеоканали: «Айчурек», «Дидар». *** 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 Болалар учун «Билишни истайман». 17.15 Н. Варлей ва А. Демьяненко «Кавказ асираси, ёки Шурикнинг янги саргузаштлари» комедиясида. 18.55 «Бизнес-ревью». 19.00 «Тенгдошлар». 19.30 «Оила» сайёрасида. 19.45 «Вақт хазинасида». 20.00 «Аншлак». 20.55 «Кинопрофи». 21.15 Кинематограф. «Хаммага ўхшашни истайман». Бадий фильм. 22.40 «Тахлилнома» (рус тилида) 23.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»
--	--	---	--	--	---	---

РИНГДА ФАҚАТ ПРОФЕССИОНАЛЛАР

Ўзбекистон хаваскор ҳамда профессионал бокс Федерациялари АҚШнинг Millenium Events Inc промоутерлик ташкилоти билан ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб пойтахтдаги Юнусобод спорт мажмуида бокс бўйича беллашув ўтказди.

Унда ўзбекистонлик ва хорижлик номдор боксчилар иштирок этишди. 2000 йил Сидней Олимпиадаси ғолиби Муҳаммадқодир Абдуллаев филиппинлик Рэй Пелоний билан ўрта вазнда Пан-

осиё чемпиони унвони учун курашди. Оғир вазндаги хаваскор боксчилар орасида икки карра жаҳон чемпиони, шу йил Белфастда ўтказилган чемпионат ғолиби Руслан Чагаев профессионал рингда АҚШлик Эдвин Мартин билан учрашди. Ўрта вазндаги профессионал боксчи Қувончбек Тўғонбоев корейлик Хьюк-Жин Квон билан Осиё-Тинч океани минтақаси чемпиони унвони учун беллашди.

Россиялик афсонавий боксчи, жаҳон чемпиони Александр Лебзяк алоҳида меҳмон сифатида АҚШлик тажрибали бокс устаси Стейси Гудсон билан, машҳур боксчи Майк Тайсоннинг ўғай укаси, оғир вазнли Клифф Каузер ўз юртдоши Слик Вилли Чэпмен билан рингга чиқдилар. Шунингдек, мухлислар оғир вазндаги бокс усталари Владимир Кличко, Росс Пьюритти, Седрик Филдзлар иштирокидаги ўн раундлик беллашувларнинг ҳам гувоҳи бўлдилар.

«Туркистон-пресс».

РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ — ОСИЁ ЖАМОАСИ ЕТАКЧИСИ



Грузиянинг Батуми шаҳрида Европа ва Осиё терма жамоалари ўртасида бошланган шахмат бўйича мусобақа давом этмоқда. Унда дунёнинг энг кучли шахматчилари, жумладан, россиялик Гарри Каспаров ва ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов иштирок этмоқда.

Батумида ўтаётган матчга бўлган қизиқишнинг жуда катта эканини алоҳида таъкидлаш керак. Сабаби — мусобақаларда ҳар икки қитъанинг таниқли шахмат усталари қатнашапти. Осиё терма жамоасини Р.Қосимжонов бошқараётган бўлса, европаликлар таркибида Г.Каспаров биринчи тахтада ўйнаётди.

Аёллар баҳсида европаликлар шарафини ҳимоя қилаётганлар орасида грузиялик солиқ жаҳон чемпиони Майя Чибурданидзе, осиеликлар сафида эса дунё биринчилигининг икки бор ғолиби хитойлик Се Цзюн бор.

Мусобақа мобайнида рақиблар бир-бири билан икки маротаба учрашади. Ҳар бир шахматчиға ўйин давомида 25 минут вақт ажратилади.

Айни пайтда дунё рейтингига юқори мавқени эгаллаб турган ҳамюртимиз Р.Қосимжонов Европа-Осиё матчида жуда муваффақиятли иштирок этапти. У дастлабки учрашувларда белгиялик Михаил Гуревични 2:0, исроиллик Эмил Сутовский ва грузиялик Зураб Азмайпарашвилини 1,5:0,5 ҳисобида мағлубиятга учратди. Таниқли шахматчимиз, шунингдек, франциялик Этьен Бакро билан 1:1 ҳисобида дурангга эришди.

Мусобақанинг дастлабки саккиз тури якунланди. Р.Қосимжонов ҳисобида олти, Г.Каспаровда эса етти ярим очко бор.

(ЎЗА).

КАРАТЭЧИЛАР МАШВАРАТИ

Тошкентдаги «Олимпия шон-шўрат» музейида Ўзбекистон Каратэ миллий федерациясининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди.



— Бундан беш йил олдин таъсис анжуманида Ўзбекистон Каратэ миллий федерациясининг низоми қабул қилиниб, ишчи органлари таркиби сайланганди, — деди федерация президенти Нурхон Нафасов. — Ўтган йиллар мобайнида ўзбек каратэчилари кўплаб халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Хусусан, беш йил ичида АҚШ, Германия, Италия, Франция каби мамлакатларнинг йирик спорт саройларида байроғимиз 82 маротаба юксак кўтарилиб, ғалабамиз шарафига мадҳиямиз янгради. Шунингдек, халқаро беллашувларда 120та кумуш ва бронза медаллар қўлга киритилди.

Анжуманда, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Баҳодир Маҳситов сўзга чиқиб, битта спорт турининг ўзидан 200та медалнинг қўлга киритилганлиги катта ютуқ, лекин каратэнинг ҳали очилмаган қирралари кўп эканлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг низомга кўра ташкилотнинг раҳбар органлари сайлови ўтказилиб, Н. Нафасов федерация президентиликка қайта сайланди.

«Туркистон-пресс».



«КИМЁГАР» ЧЕМПИОННИ МАҒЛУБ ЭТДИ

Мамлакат ўнинчи миллий чемпионати 27-турининг ўтказилган тўққиз учрашувида дарвозалар 21 бор ишғол қилинди. Тўплардан тўрттасигина ўйиннинг биринчи бўлимида киритилди. Майдон эгалари олти учрашувда устун келиб, икки учрашувдагина меҳмонлар ғалаба қучдилар.

Вилоятимиз вакиллари «Кимёгар» ва «Дўстлик» учрашуви мухлислар диққат-эътиборини ўзига қўпроқ жалб этгани табиий. Ўйиннинг дастлабки дақиқаларида мамлакат чемпиони «Дўстлик» майдонда ташаббусни ўз қўлига олди. Лекин, унинг ҳужумлари самарасиз қолаверди. Нихоят, 26-дақиқада Абдуқаҳҳор Маъруфалиев ҳисобни очишга муваффақ бўлди.

Танаффусдан сўнг майдондаги кураш бутунлай бошқача тус олди. Энди майдон эгалари фаол ҳаракат қила бошладилар. «Кимёгар»нинг ҳужумларидан бирида меҳмонлар қойдани бузганлари учун ҳакам чемпионни 60-дақиқада ўн бир метрлик жарима билан «сийла»ди. Жарима тўпини Игорь Нестеров дарвозага аниқ йўллаб, ҳисобни 1:1га ўзгартирди. 77-дақиқада эса майдон эгаларининг ҳужумини Илья Телегин самарали якунлади ва ўз жамоасини олдинга олиб чиқди. Ўйин охиригача чемпионнинг ҳисобни тенглаштириш учун қилган барча уринишлари беҳуда кетди. Қизиқarli учрашув 2:1 ҳисобида «Кимёгар» ғалабаси билан якунланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, «Кимёгар» кетма-кет икки учрашувда мағлубиятга учраб туриб, ўйинни тенглаштиришга ва ғалабага эришишга муваффақ бўлмақда. У 26 очко тўплаган ҳолда жадвалда ўн тўртинчи ўринга чиқиб олди.

Вилоятимизнинг «Металлург» жамоаси ўз майдонида «Турон»ни қабул қилди. Ўйиннинг дастлабки дақиқаларидан майдон эгалари ҳужумга зўр бердилар. Тўртинчи дақиқадаёқ Файрат Одилов ўз жамоаси ҳужумини самарали якунлаб, ҳисобни очди. Ҳар икки жамоанинг ҳужумдаги барча уринишлари ўйин охиригача натижа бермади. Учрашув 1:0 ҳисобида «Металлург» ғалабаси билан якунланди. У 24 очко билан ҳали

ҳам хавфли ҳолатда турипти.

Ангренинг «Семург» жамоаси ўз майдонида «Трактор» билан учрашди. Тенг курашлар остида ўтган учрашунинг биринчи ярмида дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди. Танаффусдан сўнг эса, биринчи бўлиб меҳмонлар муваффақиятга эришдилар. Ўйиннинг 72-дақиқасида Алексей Хвостунов 74-дақиқасида Илхом Мўминжоновлар майдон эгалари дарвозасини забт этиб, ўз жамоаларини олдинга олиб чиқдилар. Карши ҳужумга ўтган майдон эгалари 79-дақиқада жавоб тўпини киритишга муваффақ бўлдилар. Кўп ўтмай, ўйин қойдасини бузган майдон эгалари ҳакам Семен Могилевский томонидан жарима тўпи билан жазоландилар. Ўн бир метрлик жарима тўпини меҳмонлар ҳужумчиси Ўрмонов аниқ бажариб, ҳисобни 1:3га ўзгартирди.

Вилоятимизнинг икки вакили ғалаба қозониб, мухлисларини қувонтирган бўлсалар, «Семург» ҳамон мағлубиятдан қутула олмапти. Шу кунгача у бор-йўғи тўққиз очко тўплаб, жадвалнинг сўнгги поғонасини банд этиб турибди.

Турда энг сермахсул ўйин Наманганда бўлиб ўтди. «Навбахор» — «Академия» учрашувида

Олий табақа жамоаларининг 27-турдан сўнг жадвалда тўтган ўринлари

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Нефтчи»	25	21	2	2	70-18	65
«Насаф»	25	17	3	5	60-35	54
«Навбахор»	26	16	0	10	59-38	48
«Пахтакор»	22	15	1	6	46-24	46
«Дўстлик»	25	12	5	8	54-37	41
«Самарқанд-Д»	26	12	3	11	48-46	39
«Академия»	24	10	8	6	52-33	38
«Қизилқум»	24	11	3	10	33-29	36
«Трактор»	25	10	6	9	43-42	36
«Андижон»	26	11	3	12	45-45	36
«Сўғдиёна»	26	10	4	12	35-40	34
«Зарафшон»	24	9	5	10	37-34	32
«Бухоро»	24	10	2	12	41-47	32
«Кимёгар»	26	7	5	14	26-45	26
«Металлург»	26	5	9	12	24-51	24
«Турон»	25	6	5	14	24-51	23
«Сурхон»	25	7	1	17	25-57	22
«Семург»	26	2	3	21	29-31	9

Талъат ЮСУПОВ.

ҚУРОЛ УШЛАГАН ВАБО

Ушбу сарлавҳани ўқиб, ажабланманг. Ҳозирги кеча-кундузда терроризмни мана шундай ном билан атасак тўғри бўлади. Сабаби, жаҳонда кетма-кет рўй бераётган бузғунчилик, вайронагарчиликлар айнан терроризмнинг «махсули»дир. Охири марта бундан бир ҳафта олдин Нью-Йорк ва Вашингтонда рўй берган даҳшатли портлашлар жаҳон халқларини чинакамга ташвишга солди.

Америка Қўшма Штатлари президентининг қасос олиш ҳақидаги сўзлари барчани, хусусан, Афғонистон халқини таҳликага қўйди. Оммавий ахборот воситалари саҳифаларида ўз юртини ташлаб чиқиб кетаётган афғонлар ҳақида маълумотлар ўқиш мумкин. Лекин, «қарх келганда, ақл кетади». Бироз муддат ўтгач, бўлиб ўтган воқеаларни тарозига солиш адолатли ишдир. Шу маънода АҚШ президентининг сенатга ташриф буюриб, маслаҳатлашиш ҳақидаги қарори энг тўғри қадам деб баҳоланмоқда.

Шимолий Каролинадан тарқалган хабарга қараганда, АҚШ қуроли кучларининг зарба берувчи бош кучи деб баҳоланган 18-ҳаво десант корпуси ўз машқларини жадаллик билан олиб бормоқда. Форс қўлтиғига қўшимча суратда «F-15» «F-16» қирувчи, стратегик бомбардимончи «B-1» самолётлари йўл олишга тайёр бўлиб турибди. Бундан ташқари, «Теодор Рузвельт» ҳарбий кемаси ўша томонга қараб йўлга тушди. «Энтерпрайз» ҳамда «Винсон» кемалари Араб денгизига махсус топшириқни кутиб шай бўлиб туришибди. Шу тариқа ушбу минтақада 500 ҳарбий самолёт жамланмоқда. Уларнинг ҳаммаси «Чексиз чегарасиз адолат» операциясида иштирок этадилар. «Вашингтон пост» газетаси ўз мақоласида шуларни ёзади: «Агар Усамо бин Лодинни беришдан бош тортса Америка яқин орада толибонлар тартиботига қарши уруш бошлашга мажбур бўлади».

АҚШда рўй берган вайронагарчиликлар ниҳоятда синчиклаб режалаштирилгани, тайёрлангани аниқ бўлиб бормоқда. Инсоният бу каби қонхўрликларни кўп кўрган. Лекин, куппа-кундуз кунининг меҳнат билан банд бўлиб турган одамларни жонига қасд қилинганини ҳеч бир зот ҳеч

қачон оқламаган, оқламайди ҳам.

Бугун бир нарсга аён бўлиб турибди. Терроризм деб аталган вабо тобора кенг қамров олиб бораётир. Унинг қанотларини зудлик билан қирқиб ташламоқ зарур. Бунинг учун эса, давлатларнинг ҳамкорлиги, ўз кучларини шафқатсиз террорчиларни йўқ қилмоқ учун бирлаштирмоқликлар зарур. Бу — замон талаби. Токи инсоният тинч осойишта яшаши зарур экан, ҳеч қандай террорга эрк бермаслигимиз керак.

Бунинг ёшу қари бирдек тасдиқламоқда.

ҚИСКА САТРАЛДАРДА

- Россиянинг Узоқ Шарқ ўлкасида бу йил ёз бўйи 1900 марта ўрмон ёнғинлари рўй берди. 150 минг гектар ердаги дарахтлар ёниб битди. Қиска муддатдан кейин ёнғин яна «бўй» кўрсатди. Хабаров ўлкасидаги ўрмонларда, Сахалинда, Камчаткада, Амур ва Еврей автоном вилоятларида 26 бора тилсиз ёв ҳужумлари қайд этилди. Умумҳисобида 200 гектар ердаги ўрмон олов гирдобиде қолган. Ёнғинга қарши барча воситалардан фойдаланиб, кураш олиб борилмоқда.
- Польшада эртага парламент сайловлари бўлиб ўтади. Лекин ҳозирқоқ ким бош вазир лавозимини эгаллаши ҳақида гап-сўзлар бўлиб ўтмоқда. 20 даъвогар орасида Лешек Миллернинг имкониятлари баланд деб эътироф этилди.
- Исроил армиясининг бош штаби раҳбари генерал Шоул Мофаз Исроилдан Фаластин заминини ажратиб туривчи махсус оралиқ барпо этилиши ҳақида баёнот берди. Бу ўзини ўзи ўлимга маҳкум этадиган фидойилар учун забт этиб бўлмас тўсиқ вазифасини ўтайди.
- Жаҳон банки Македонияга 35 миллион доллар миқдорида қарз берилиши ҳақидаги қарорни маъқуллади. Ушбу маблағ мамлакат парламентини ўз конституциясига этник албанларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонгайитирувчи ўзгартириш киритган тақдирдагина берилади.

БОШГА

БАЛО БОДРИНГ

Швециялик фермер не-не ниятларда етиштирган 80 кути бодрингини сота олмади. Унинг маҳсулотлари ҳатто иккинчи навга ҳам қабул қилинмади. Сифати жуда паст деб ўйлаётган бўлсангиз керак. Асло ундай эмас. Бодринглар майда ҳам эмас, сарғайган ҳам эмас, айтсак, кулгингиз қистайди: улар тўппа-тўғри. Қондаси бўйича бодринг жонивор ҳар ўн сантиметрга етганда, бир томонга қийшайиши керак экан. Бечора фермернинг бодринглари худди теракдек тўппа-тўғри ўсибди. Бу харидорларда шубҳа уйғотган экан.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

УЙДАН ҚИММАТ МАРКАЛАР

Хамма женевалик Жан Поссен ақлдан озиб қолса керак, деб ўйлаган эди. Бўлмаса-чи, японги уйи ёниб кетса қайси одам бепарво бўлади. Лекин, Поссен жаноблари хурсанд. Сабаби оддий: ажойибот юз бергану, олов унинг ноёб маркалари билан тўла альбомига зиён-заҳмат етказмаган. Маркалар чиндан ҳам топилмас матоҳ экан. Шунинг учун ҳам, Поссен уйининг ўрнида бир ҳовуч кул қолса ҳам, парвои фалак. Сабаби унинг филателистик жамланмаси ёниб кетган уйининг суғурта пулидан бир неча марта қиммат баҳоланди.

ИШЛАРИ

ФИЛЛАР ВИНО ИЧГАНДА

Ҳиндистондаги кичкинагина қишлоқ аҳолиси байрамни кўнгилдагидек ўтказиш учун егулик жамғардилар, қўлбола ичимлик тайёрладилар. Ҳамқишлоқлар байрам дастурхонига ўтиришганида, филларнинг ўқириклари эшитилди. Чангалзорларда юрадиган бу баҳайбат жониворларни нима безовта қилди экан? Маълум бўлишича, мулоим табиатли филлар диомоғига қўлбола ичимликнинг ҳиди кирганда, қип-қизил жинни бўлиб қолар эканлар. Теварак-атрофдаги одамлар-



Mamlakatlar & Odamlar & Voqealar

нинг эса, қочиқ қолишдан бошқа чоралари қолмас экан. Бу гал ҳам шундай бўлди. Одамлар болаларини олиб дарахтларга бир амаллаб чиқиб олишга улгурди. Қутурган филлар тўдаси қишлоққа бостириб кириб, кулбаларни кунпаякун қилишди. Бор-йўғи икки челақ қўлбола вино ҳидининг оқибати бу. Агар у бир бочка бўлсам...

БИР УМР ЮГУРИБ

АҚШнинг Индиана штати фуқаролари ҳисобланган Ванда ва Кларенслар никоҳ маросимларига шортик-калта иштон, майка ва кетада ҳозир бўлишди. Улар бу ерга эрталабки бадантарбиядан кейин келишди. Фақатгина келиннинг бошидаги оқ фата тўйдан дарак бериб турарди. Бу гаройиб никоҳнинг иштирокчилари югуришнинг ашаддий ишқибозлари. Тўрт йил олдин улар югуриш майдончаларида танишиб қолишган экан. Кларенс Вандага югура туриб муҳаббат изҳор қилди. Тўй қилишга ҳам югуриш йўлқаларида келишдилар. Улар энди бир умр оилавий ҳаёт йўлларида югуриб яшайдилар.

Ажойиботлар қомуси

ИФ ДЕБ АТАЛГАН ОРОЛ

Кўпчилигимиз машҳур адиб Александр Дюманин «Граф Монте Кристо» романини ўқиб беҳад ҳаяжонга тушганмиз. Асар қаҳрамони Эдмон Дантеснинг Иф қалъасида дўзах азобларини бошидан кечирганини ўқиб, юракларимиз орқасига тортиб кетган. Ниҳоят, ахир буларнинг барчаси ёзувчининг тўқималари-ку, деб ўзимизга тасалли берганмиз. Аслида эса, у Дюма романини ёзишидан олдин ҳам мавжуд эди.

Ажойиботлар

сиёсий маҳбуслар сақланган. Унинг номи бора-бора «денгиздаги Бастилия» деб аталган. 1720 йилда бу ерга капитан Жан Батист Шато ҳам ташриф буюрган. У Марселга ўз кемасида ўлат олиб келгани учун қамалган. Ҳатто XIX асрда ҳам Иф ўз номи билан теварак-атрофга даҳшат солиб турган. Наполеон III нинг душманлари унинг захрини тотиб кўришган. Ва, ниҳоят биринчи жаҳон урушида бу ерда ҳарбий асирлар сақланган.

Барибир Эдмон Дантес бу ерга қамалган маҳбусларнинг энг машҳури ҳисобланади. Унинг номи билан Иф қалъаси бутун дунёга танилди. Бу ерга у ўн тўққиз ёшида кирган бўлса, 33 ёшида қочиқ кетган. Қалъани кўришга келган сайёҳлар, албатта, Дантес ётган хонани бир кўр кўздан кечирадилар. Ушбу хонанинг деворида ёриқ бор. Бу ўша аббат Фариа Дантес билан учрашиш учун очган йўлакнинг бошидир.

Эдмон Дантес Александр Дюманин истейдо-ди яратган қаҳрамон бўлса, Фариа ҳаётда яшаган. У ўткир файласуф бўлган. Қалъада аббат узоқ турмаган. Тезда ўшатиб юборишган. Умрининг қолган қисmini Парижда ўтказган, шу ерда оролда бўлган кунларини тасвирлаб, хотиралар ёзган. Дюма ўз романида айнан шу хотиралардан фойдаланган.

Александр Дюма Иф оролининг бутун худудини беш кўлда билган. У Тоскан архиепеллагини жуда синчиклаб ўрганган. Ушбу архиепелла таркибига Иф ва Тибулен ороллари киришини яхши биламиз. Китобдан ўқиб билганимиздек Эдмон Дантес бу оролга Иф қалъасидан қочиқ, сузиб келган. Тибулен аввал ҳам кимсасиз эди, ҳозир ҳам шундай экан.

Буюк Александр Дюманин қалами билан дунёга келган «Граф Монте Кристо» туғилган оролнинг қисқача тарихи мана шундан иборат.

Темир ЙЎЛДОШЕВ.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

